

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ХАЛҚ
АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ ВОСИТАСИДА НАФОСАТ ТАРБИЯСИНИ
БЕРИШДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ РОЛИ**

Хасанов Холбой Хасанович

Термиз давлат университети Миллий либос ва санъат факультети доценти

Абдулазизова Мубина Бўри кизи

*Термиз давлат университети Бадиий графика ва дизайн кафедраси. Рангтасвир
дастгоҳлик таълим йўналиши 2- курс 124- гуруҳ талабаси.*

Аннотация

Мақолада Нафосат тарбиясини беришда тасвирий санъатнинг роли бениҳоя каттадир. Санъат асарлари болаларнинг хотирасини, қобилиятларини, эстетик дидини ўстиради. Умуман олганда тасвирий фаолият воситасида нафосат тарбиясини назарий ва амалий жиҳатдан мактабгача ёшдаги болалардан бошлаб шакллантирилса уни мактаб ёшидаги, сўнгра ўрта махсус билим юртларида, олий таълим тизимида давом эттирилса, жамиятимизнинг энг бастакор санъат усталари, мўйқалам гўзаллик шайдолари, ҳайкалтарош, рассомлар етишиб чиқишига замин бўлади деб мақола ёритиб берилган.

Калит сўзлар

Санъат асарлар, нафосат тарбияси, буюк алломалар, рассомлар, мўйқалам гўзаллик шайдолари, ҳайкалтарош, тасвирий фаолият.

Аннотация

В статье говорится о чрезвычайной важности роли изобразительного искусства в эстетическом воспитании. Произведения искусства развивают память, способности и эстетический вкус детей. В целом, если эстетическое воспитание через изобразительную деятельность теоретически и практически формировать, начиная с дошкольников, и продолжать в школьном возрасте, то в средних специальных учебных заведениях и в системе высшего образования, то это создаст основу для развития наиболее творческих кадров – художников, мастеров красоты, скульпторов и живописцев нашего общества.

Ключевые слова

Произведения искусства, воспитание утонченности, великие ученые, художники, творцы красоты кисти, скульптор, изобразительная деятельность.

Abstract

The article discusses the critical importance of the visual arts in aesthetic education. Art develops children's memory, abilities, and aesthetic taste. In general, if aesthetic education through visual activity is theoretically and practically developed,

beginning with preschoolers and continuing through school age, in secondary vocational schools, and in higher education, it will create the foundation for the development of our society's most creative talent—artists, beauty artists, sculptors, and painters.

Key words

Works of art, cultivation of refinement, great scientists, artists, creators of beauty of the brush, sculptor, visual activity.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай илмда нафосат тарбияси ҳақида фикр юритилар экан, албатта нафосат тарбияси қонунларига, тарбия воситаларга таяниб иш тутиш муҳимдир. Нафосат тарбия воситалари болаларнинг нафосатини ривожланишини таъминлаш мақсадида теварак-атрофдан танлаб олинган турмуш, табиат, санъат нафосати ва бу болаларнинг бадиий фаолияти, таълим жараёни ҳисобланади. Маълумки, оила гўзалликнинг биринчи мактабидир, чунки оила азоларининг ўзаро муносабатлари уйнинг жиҳозлари, ўша нарсаларнинг ягона бирлиги, уйғунлиги, тартибли жойлаштирилиши, саранжом-саришталик, мактабнинг безатилиши, мактабгача таълимда ёдгорлик ва аълочилар бурчаги, касб-ҳунар бурчаги, фахрийлар бурчаги кабиларнинг барчаси бевосита болалар фаолиятига таъсир этади, улар фаолиятида нафосатли дидни уйғотади. Табиат ҳам энг муҳим нафосат тарбия воситасидир. Табиат турлича нафосат кечинмаларининг асоси бўлиб, уни кўра билишга, эшита олиш қобилиятига боғлиқдир, улар экскурсияларга чиққанларида табиат ўзига хос ранг олишини, ўзгаришини билиб оладилар. Натижада болаларда табиат ҳодисаларига қизиқиш кучаяди ва улар табиатни асраб-авайлаш кераклигини чуқурроқ англаб етадилар, бундан ташқари тасвирий санъат турлари ҳам асосий тарбия воситаларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи. Булардан Н.П. Сакулина, Т.С.Комарова, Т.Г.Казакова, Б.Г.Лукьянова, Е.А.Флерина, Н.Б.Холезова, Н.Я.Шабанова, Н.А.Ветлугина ва бошқалар мактабгача тарбияда тасвирий фаолиятнинг асосий тизимлари тўғрисида фикрларини, нафосатли тарбиялашдаги тасвирий санъатнинг аҳамиятини асарларида ёздадилар. Шу каби тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик йўналишларини мактабгача тарбияда ҳам баъзи олим, методистларни қизиқтириб келган.

Натижалар ва мунозара. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни тасвирлаш ижодини ўстиришнинг муҳим шарти кўникма ва малакаларни эгаллаш, расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар яшаш, аппликация (ҳар хил шаклларни қирқиш, ёпиштириш) машғулотларида фойдаланиладиган турли хил материаллар, улар билан ишлаш усуллари ҳақидаги билимларни ўзлаштиришдир. Шу мақсадда бу масалалар ҳар бир ёшга оид гуруҳлардаги тасвирий ишларни таърифлашда қўл келади. Нафосат тарбиясини беришда тасвирий санъатнинг роли бениҳоя каттадир. Санъат асарлари болаларнинг хотирасини, қобилиятларини, эстетик дидини ўстиради. Умуман олганда тасвирий фаолият воситасида нафосат тарбиясини назарий

ва амалий жихатдан мактабгача ёшдаги болалардан бошлаб шакллантирилса уни мактаб ёшидаги, сўнгра ўрта махсус билим юртларида, олий таълим тизимида давом эттирилса, жамиятимизнинг энг бастакор санъат усталари, мўйқалам гўзаллик шайдолари, ҳайкалтарош, рассомлар етишиб чиқишига замин бўлади. Бу борада биз тарихий саналарга, буюк алломалар, рассомлар ва олимларимизнинг ишига муражаат қилишимиз ҳам аҳволнинг яхшиланишига ёрдам беради. Маълумки, жамиятнинг тарихий ривожланиши билан кишиларнинг психологияси ҳам ўзгариб боради. Кишилар хусусан, болалар эса уларни ўраб олган борлиқда асосан таълим билан тарбиянинг уюшган ҳолдаги таъсирида ривожланади.

Асрлар давомида йиғилган ўзларининг билим ва малакаларини катталар тарбия воситасида болаларга ўтказадилар. Натижада болаларнинг дунёқарашларини шакллантириш, билиш ва ижодий қобилиятларини ўстириш кўп жихатдан тарбиянинг йўналишига боғлиқ бўлади. Мактабгача тарбия халқ маорифи умумий тизимининг бир қисми ва босқичи бўлгани ҳолда, оила билан ҳамкорликда бола шахси асосларини барпо қилади. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясини амалга ошириши ва уларни мактабга тайёрлаш ҳаммамизнинг ишимиз. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигининг “Мактабгача таълим ташкилотининг типовой дастури” асосида Республикаимизнинг ўзига хос иқлимий-жуғрофий, иқтисодий, маданий миллий шароитларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши табиийдир. Тасвирий фаолият бўйича дастурида аввалги берилган асосий педагогик вазифалар сақланган ҳолда билим ва кўникмаларни шакллантириш кўзда тутилади.

Тасвирий санъатдан педагогик кадрлар, тарбиячилар ҳозирги вақтда Республикаимизнинг кўплаб ўрта махсус таълим муассаларида: Тошкент, Бухоро, Термиз, Қарши, Фарғона, Андижон, Самарқанд в.б. университет, педагогика институтларининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлари орқали тайёрланмоқда. Тасвирий санъатнинг ўқитилишини яхшилаш борасида қабул қилинган энг сўнгги ва самарали тадбирлардан бири “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш” бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг биринчиси мусиқа, рассомчилик, санъат билан ёшлар бадиий тарбиясини янада яхшилаш чоралари ҳақидадир. “Мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари” 2017 йил, “Тақомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури” 2016 йил, “Болалар боғчасида тарбия дастурлари”га мувофиқ болаларда нафосат тарбиясини шакллантириш талаби бор. Уларда тушунарли теварак-атроф ҳаётидаги нарс ва ҳодисаларни акс эттира олиш қобилиятини ривожлантириш ҳам ҳисобланади. Болаларга теварак-атрофдаги ҳаётдан, эртақлар, ҳикоялардан олинган мавзуда унча мураккаб бўлмаган сюжетни тасвирлашни ўйлаб олиш, декоратив нақшнинг айрим унсурларини чизиш ўргатилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки. Мактабгача таълим ташкилотида ўтиладиган тасвирий фаолият машғулотларида болаларни декоратив халқ амалий

безак санъати асосида декоратив расм чизишга ўргатишда тарбиячилар кўп қийинчиликларга дуч келишлари табиий. Демак, боғча тарбиячисининг асосий вазифаси шундан иборатки у, энг аввало, тарбияланувчиларнинг ҳаммасини мустақил расм чизишга қизиқтириши, ҳар бир болага алоҳида эътибор билан қараб, унинг қобилияти, қизиқишини яхшилаб ўрганиши ва йўналтира бориши талаб қилинади.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2707-сонли қарори.
3. Сакулина Н.П Комарова Т.С. “Болалар боғчасида тасвирий фаолият”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1976
4. Саморукова П.Г. таҳрири остида. “Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984.
5. Содиқова Н.Ўзбек миллий кийимлари, XIX – XX асрлар. Т. “Шарқ”, 2003. – 159б.